

ЮРИДИК ШАХС ВА ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА ШАКЛЛАНМАГАН ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРГА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ 483

«10» январь 2022 й.

Муздабот тумани
(шаҳар, туман)

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги) томонидан берилган лицензия ва "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Устави ва "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали Юриқномаси асосида "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали директори Ш. Норкузқожаев номидан телекоммуникация боғламаси бошлиғи _____ (бундан буён "Оператор" деб аталувчи) бир томондан,

Юридик шахс (Хусусий тадбиркор)
Талабнома берувчининг номи: <u>Муздабот тумани Жамоа Таълим</u> <u>Бўғамчи</u>
Манзили: <u>Муздабот тумани Янги ёрқат мактабидан</u> (хусусий турар жой ёки ижарага олинган бинонинг манзили)
Рахбарнинг лавозими, Ф. И. Ш. <u>С. Жамоатов</u>
(корхона рахбарининг уй манзили ва телефони)

(бундан буён "Абонент" деб аталувчи) иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш Қоидалари»га биноан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телекоммуникация хизматларини кўрсатиш, Абонент эса шартнома шартларига мувофиқ ушбу хизматлар учун тўловни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олади.

1.1 Абонентга ажратилган абонент рақамлари рўйхати. +998763491526

улардан маълумот хизматлари учун _____

1.2 Абонент (охирги) қурилмаси тури, уларнинг сони, ўрнатилиш жойи _____

(телефон, уяли телефон, модем, факс, телекс, интернет ва бошқалар)

1.3 _____ гача хизмат кўрсатилади.
(охирги қурилмаси, тақсимлаш шкафи, бино, идоровий АТС...)

1.4 Тўғридан-тўғри симлар _____
(сон, уларнинг рақамлари)

1.5 Параллель қурилмаларнинг сони, рақами _____

1.6 Кўрсатилган хизматлар тўлови бўйича ҚҚС мавжудлиги _____
(ҚҚС билан, ҚҚСсиз)

1.7 Абонент тоифаси _____
(бюджет, хўжалик ҳисобидаги)

2. ТОМОНЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1 Оператор қуйидагиларга мажбур:

2.1.1 Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларига мувофиқ ўз вақтида, белгиланган сифат даражасида телекоммуникация хизматларини кўрсатишга.

2.1.2 Абонентнинг станция техник носозликлари ва линия-кабель шикастланишларини бартараф этишга аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва уларни 20 кундан ошмаган, норматив муддатларда бажарилишини таъминлашга.

2.1.3 Телекоммуникация тармоғи Абонентнинг айбисиз бузилган ҳолларда, Абонент томонидан таъмирлаш бюросига ариза берилган кундан бошлаб, абонент қурилмасининг ишламаган бутун даври учун абонент тўловларини қайта ҳисоб-китоб қилишга.

2.1.4 Станция ва линия-кабель ишоотларини режадаги реконструкция қилиш ишлари натижасида телекоммуникация тармоғи вақтинча узиладиган ҳолларда, Абонентларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилишга.

2.1.5 Техник сабабларга кўра, абонент рақамининг ўзгартирилиши тўғрисида такдим этилганлиги ҳақидаги хабарнома билан Абонентни ёзма равишда ёки оммавий ахборот воситалари орқали 10 кун ичида хабардор қилишга.

2.1.6 Янги станцияларнинг жорий этилиши ва телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиниши муносабати билан Абонентнинг розилигисиз, лекин амалдаги «Қоидалар»га асосан олдиндан хабардор қилган ҳолда, телефон рақамларини бепул алмаштиришга.

2.1.7 Абонентнинг аризасига кўра, аризада келтирилган муддатга рақамни сақлаган ҳолда, телефонни вақтинча ўчиришга. Бунда рақамни сақлашни вақти учун абонент тўлови олдиндан ундирилади.

2.1.8 Маҳаллий телефон алоқаси хизматларига вақтбай ҳақ тўлаш тизимидан фойдаланган ҳолда ҳисоб варагини чиқаришда ҳақ тўланган даврга алоҳида ҳақ учун батафсил изоҳланган ҳисобни такдим этишга.

2.1.9 Операторда рўйхатга олинмаган ёки мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган Абонент томонидан фойдаланиладиган охириги қурилмалар (телефон аппаратлари, телематик хизматлар, маълумотлар узатиш қурилмаларини, радиотелефонлар, радиоўзайтиргичларни, рақамни автоматик аниқлагич (РАА) ва ҳоказо)ни икки томонлама далолатнома тузган ҳолда ўчиришга.

2.1.10 Абонент қурилмасини телекоммуникация тармоғидан вақтинчалик узиб қўйиш йўли билан телекоммуникация тармоғидан фойдаланишини тўхтатишга:

- Маҳаллий, халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация тармоғи хизматларига тўловлар, ўчириб қўйишдан олдин 10 кун ичида Абонентга бу ҳақида телефон орқали ёки ёзма хабарнома билан маълум қилиниб, белгиланган муддатида тўланмаганда;

- Абонент томонидан телекоммуникациялар Операторининг коммутация ускуналарини нормал ишлашини бузилишга олиб келиши мумкин бўлган абонент қурилмаларидан фойдаланиш қоидалари бузилганида;

- 2.2.7-банд шартлари бузилганда, икки томонлама далолатнома тузган ҳолда бузилишлар бартараф этилгунга қадар;

Абонент қурилмаларининг вақтинчалик ўчирилишига олиб келган бузилишлар бартараф этилгандан кейин, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ, шунингдек абонент қурилмаси Абонент айби билан ишламаган вақт учун абонент тўлови Абонент томонидан тўлангандан кейин бир кеча-кундуз ичида абонент қурилмасини улаш. Бунда улаш учун тўлов олинмайди.

2.1.11 Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматларнинг охириги қурилмаларини (телефакс, телекс, модем, видеотекс, интернет, маълумотлар узатиш ва бошқалар) шартномага қўшимчалар киритган ҳолда (7-бўлимга биноан) рўйхатга олишга.

2.1.12 Шартнома шартларига биноан, барча кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун Абонент томонидан тўловлар тўлик тўланганда, унинг хоҳишига кўра шартномани бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилади. Агар Абонент томонидан тўловлар амалга оширилмаса, шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

2.2 Абонент қуйидагиларга мажбур:

2.2.1 Ўз телефони ва/ёки бошқа охириги қурилмалардан амалга оширилган, кўрсатилган телекоммуникация хизматлари (шу жумладан, тармоқларнинг техник имкониятлари билан белгиланадиган ва барча Абонентлар учун очик бўлган телекоммуникациянинг қўшимча хизматларидан, жумладан интеллектуал тармоқлардан фойдаланилганлиги, маълумотлар узатиш ва Интернет, ахборот ресурсларидан фойдаланиш хизматлари тармоғидан паролсиз фойдаланганлиги) учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш. Ушбу шартномада кўрсатилмаган ва талабга биноан кўрсатилган хизматлар учун амалдаги тарифларга мувофиқ ҳақ тўлаш.

2.2.2 Ҳар ойда бир мартаба Оператор билан тўловлар ва қарздорликлар тўғрисида ўзаро солиштирма далолатнома тузиш.

2.2.3 Операторга тегишли ёки Оператор томонидан хизмат кўрсатиладиган ва Абонент фойдаланаётган телекоммуникация тармоғини ва бошқа ускуналарни бут ва соз (ишга яроқли) ҳолатда сақлаш. Абонентга тегишли ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникациялар воситаларининг техник нормаларга мослигини таъминлаш.

2.2.4 Алоқа бузилганлиги тўғрисида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига телефон орқали ўз вақтида хабар бериш. 3 кунгача носозлик бартараф қилинмаганда телекоммуникация боғламаси бошлиғи номига ёзма равишда мурожаат этиш.

2.2.5 Бир ойлик муддатда ёзма равишда санани кўрсатган ҳолда, Операторга ҳисоб рақамларнинг, ташкилот номининг ўзгариши, хонани ижарага берилиши ҳақида хабар бериш ва амалдаги тариф бўйича тўловларни тўлаш билан шартномани қайтадан тузиш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугагандан ёки ижара шартномаси бекор қилингандан сўнг телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчига тўловсиз расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қилар экан, ижарачининг Оператор олдидаги қарзларининг қоплалишини назорат қилади ва қарзларнинг мавжудлиги учун белгиланган тартибда жавобгардир.

2.2.6 Оператор ходимларда тегишли, амал қилиш муддатига эга бўлган суратли, муҳр босилган шахсий гувоҳнома, ишларни бажариш учун паряд мавжуд бўлганда, Абонентнинг «Қоидалар»га ва ушбу шартномага риоя қилишини текшириш ёки Абонент талабномаси бўйича таъмирлаш ишларини бажариш учун рухсат бериш.

2.2.7 Абонент қурилмасидан таксофон сифатида ёки Интернетга уланиб, пулли хизматлар кўрсатиш учун фойдаланмаслик. Оператор томонидан ажратилган телефон рақамлари орқали телекоммуникация

хизматлари кўрсатилишни қонунда белгиланган тартибда амалга ошириш. Ушбу банд бузилган ҳолда, Оператор икки томонлама далолатномани расмийлаштириш орқали бузилишлар бартараф этилгунга қадар, Абонентнинг телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Қоидалар такрор бузилганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.2.8 Абонент ўзининг абонент линиясидан ва охириги терминал қурилмасидан Интернет тармоғига уланиш учун фойдаланаётган ва жумладан қайта уланиш дастурларига уланган вақтдан бошлаб у чиқувчи трафикларига ҳам жавобгардир.

2.2.9 Абонент қурилмаси сифатида фақат сертификатланган қурилмалардан фойдаланиш. Ўзбекистон Республикасининг мувофиқлик сертификати бўлмаган рақамни автоматик аниқловчи (РАА) қурилмаларни қўлламаслик.

2.2.10 Ўзбошимчалик билан охириги қурилмаларни ўрнатмаслик, параллель телефон аппаратлари ёки бошқа радиоалоқа, телематик хизмат ва маълумотларни узатиш охириги қурилмаларини уламаслик. Ушбу қурилмаларни улаш Оператор хабардор қилингандан сўнг ва мувофиқлик сертификати эга бўлганда амалга оширилади.

Абонент линиясига Операторда рўйхатга олинмаган абонент қурилмалари Абонент томонидан ўзбошимчалик билан уланган вақтини аниқлаш мумкин бўлмаганда, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ундирилади.

2.2.11 Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситаларни (қуввати 10мВтдан кўп бўлмаган шнурсиз телефонлардан ташқари) уларни эксплуатация қилишга Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигидан ёки унинг ваколатли органидан рухсат олингандан ва Операторни хабардор қилингандан кейин абонент қурилмаси сифатида улаш.

2.2.12 Телекоммуникациялар тармоқларининг иш сифатини пасайишига ёки шикастланишига йўналтирилган ҳаракатлар қилмаслик.

3. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИГА ҲАҚ ТўЛАШ

3.1 Телекоммуникация хизматларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади ва хизматлар кўрсатилган пайтда амалда бўлган тарифлар бўйича ҳақ тўланади.

3.2 Телекоммуникация хизматлари учун тўловлар, боғламадаги ҳисоб-китоб кассаларида, тўловларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган почта алоқа бўлимларида, банк муассасаларида нақд пул, пластик карточка ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3 Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация хизматларига тўлов олдинги ой учун тўлов суммасининг 100 фоизи миқдорда куйидагича амалга оширилади:

- олдиндан ҳақ тўлаш йўли билан;

- бевосита хизматлар кўрсатилгандан кейин;

3.4 Маҳаллий тармоқ хизматларидан фойдаланганлик учун тўлов ҳисобот (жорий) ойнинг сўнги санасидан кечиктирмасдан амалга оширилиши лозим. Олдиндан ҳақ тўлашни амалга оширишда тўловни қабул қилиш бир ойдан кам бўлмаган, лекин 12 ойдан ошмайдиган муддат учун амалга оширилади.

3.5 Телекоммуникация хизматлари учун олдиндан ҳақ тўлашда аванс тўловининг суммаси бухгалтерия ҳисоб-китоби бўйича ойма-ой камайтирилиб борилади.

Ушбу бандда кўрсатилган хизматлар учун тарифлар ошганда, улар юзасидан ҳисоб-китоблар аванс суммаси тугагунга қадар, агар ушбу хизматлар юзасидан тўлов универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлиги тўғрисида эълон қилингунгача амалга оширилган бўлса, аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади.

3.6 Маҳаллий (хизматларга ҳақ тўлашнинг вақтбай тизими), халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация хизматларидан, шу жумладан, маълумотларни узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланганлик учун тўловни ҳам қўшганда, тўлов ҳисоб варақасида кўрсатилган санадан бошлаб, 15 кун муддат ичида амалга оширилади.

3.7 Абонент ҳисобот давридан кейинги бир ой ичида телекоммуникация хизматларига ҳақ тўлаш бўйича, шу жумладан телефон ўчирилган вақт учун қарзини тўламаса ёки 2.2.7-банд такрор бузилса, Оператор телефон рақамини олиб қўйиш ва бу ҳақда Абонентни ёзма равишда камида 10 кун олдин топширилганлиги тўғрисидаги хабарнома билан хабардор қилиши орқали шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир. Телефон ёки бошқа қурилмаларни янгидан ўрнатиш ариза берилгандан сўнг техник имкониятларга кўра, шартнома бекор қилинган даврдаги Абонентнинг ҳисобидаги қарзлари узилгандан кейин 12 ой ичида тариф бўйича ўрнатиш ҳақининг 50 фоизи тўлангандан сўнг амалга оширилади. Бу ҳолатда умумий асосда янги телефон рақами берилади.

3.8 Автоматик маҳаллий (телекоммуникация хизматларига ҳақ тўлашнинг вақтбай тизимида), халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация хизмати ҳақи тўланадиган сўзлашув вақти чақирилаётган тармоқ орқали жавоб берган ҳар қандай шахс билан сўзлашув бошланган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Агар телефонга уланган қандайдир техник қурилма (факс, автожавоб берувчи, 2РАА ва ҳоказо) билан уланиш ҳолларида, ҳақ тўланадиган сўзлашув вақти қурилма билан уланиш пайтидан бошлаб ҳисобланади.

3.9 Абонент тўланиши лозим бўлган суммадан, сўзлашув давомийлиги ёки сўзлашувнинг унга тегишлилигидан норози бўлганда, ҳисоб варақини олгандан кейин 45 кун давомида ёзма равишда шикоят аризасини бериш ҳуқуқига эга. 45 кун ўтгандан кейин даъволар қабул қилинмайди. Абонент текшириш натижаларидан норози бўлса судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

- 3.10 Шартноманинг 3.9-бандини текшириш ўтказилаётган вақтда телефон уланган бўлиши керак.
 3.11 Телекоммуникация охириги курилмалари Абонентнинг айби билан ишламаган вақти учун абонент тўлови тўлик миқдорда ундирилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1 Томонлар шартнома шартларини бузганда жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси «Фукаролик кодекси»га, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонуналарга, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш Қондалари»га ва амалдаги бошқа қонуналарга шунингдек ушбу шартномага мувофиқ белгиланади.

5. ЭЪТИРОЗ ВА ДАЪВОЛАР

5.1 Шартнома шартлари талаб даражасида бажарилмаганда Томонларнинг эътироз ва даъволари ўзаро келишув йўли билан келишув бўлмаганда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида суд органлари орқали кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши Томонларнинг таъсири ва истакларига боғлиқ бўлмаган, вақтинча ёки узоқ вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга халақит берадиган вазиятлар содир бўлганда, яъни табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тadbирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолларда, юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли томонлар шартнома мажбуриятларини бузган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади.

6.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган томон, иккинчи томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзга келганлиги тўғрисида 10 кун муддат ичида телефон ва оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиши лозим.

6.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки уларни бартараф этилгани ҳақида ўз вақтида хабар берилмаса, содир бўлганидан ёки бартараф этилганидан 15 кун муддат ўтган бўлса, кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаганлигига, бу вазиятларни сабаб қилиб кўрсата олмайди.

7. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

7.1 Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилиги билан ёзма равишда қўшимча келишув тартибида амалга оширилади ва томонларнинг имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланади.

7.2 Томонлар ўртасидаги шартнома шартларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар унинг ажралмас қисми бўлиб қолади ва келгусида уларга амал қилиш мажбурийдир.

7.3 Шартнома томонларнинг келишувига кўра, «Қондалар» ўзгарганда ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда қайта тузилиши мумкин.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил «31» декабр гача амал қилади. Агар шартноманинг амал қилиш муддати тугашига 10 кун қолганда, томонлардан бирининг шартномани бекор қилиш тўғрисидаги ёзма мурожаати бўлмаса, ушбу шартноманинг муддати кейинги йилларда ҳам ўзайтирилган деб ҳисобланади.

8.2 Шартнома куйидаги ҳолларда муддатидан олдин бир томонлама бекор қилиниши мумкин:

- Томонларнинг розилиги билан;
- шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаганда;
- «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқа хизматларини кўрсатиш Қондалари»га ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

Қондалари»га ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

ОПЕРАТОР

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК СУРХОНДАРЁ ФИЛИАЛИ
 МУЗРАБОТ ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ БОҒЛАМАСИ

индекс, почта манзили, телефон, факс

х/р 20210000404074838341

Банк АТБ Алоқа банк Сурхондарё филиали

Код 00401

СТИР 203366731

ХХТУТ 61100

Рахбар Тошбоев Ж *Тошбоев*
 (ИМЗО)

АБОНЕНТ

Музработ Тўқсан Жақ
Тўқсан Жақ

индекс, почта манзили, телефон, факс

х/р 100000860000048096100045013

Банк

Код

СТИР 308143003

ХХТУТ 98000

Рахбар *Тошбоев*

Музработ Тўқсан Жақ
 х/р 100000860000048096100045013

МТКМТ «Алоқа» банк ХКМ
 ИББ, 000148300000, 201102919.



СПЕЦИФИКАЦИЯ

Таъминотчи: "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали Музработ телекоммуникация боғлама

Хисоб раками: 20210000404074838341

Алока банк Термиз филиали

МФО 00401,ИНН 203366731,ОКОНХ 52300

Истемолчи: Музработ туман Ю.Т.Б

x/p 1000 22860222044096100045013

бюджетдан маблаг олувчи СТИРи: 207143223

ОКОНХ 47600

Молия Вазирилиги Газначилик

Газна x/p 23402000300100001010

Банк номи: Тошкент шаҳар маркази банк 00014

Газначилик булинмаси СТИРи:201122919

№	Товар моддий бойликнинг номи	мин	нархи	сумма
1	Алока		10,435	156521,74
2	15,0 % ККС		1,565	23478,26
	Ж А М И:	15000	12,0	180000

"Таъминотчи"

"Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали
Музработ телекоммуникация боғлама

Музработ туман Ю.Т.Б

Раҳбар Ж.С.Тошбоев

Раҳбар Ю.Т.Б





YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YHATIGA O'TKAZISH TO'G'RSIDA

GUVOHNOMA

Reestr № 10-000240

№ 004060

2014 yil "30" oktabr

Mazkur guvohnoma

"O'ZBEKTELEKOM" Aksiyadorlik kompaniyasi

		yuridik shaxsga borishi
Tashkiliy-huquqiy shakli	Aksiyadorlik jamiyati	THSH (ONQ) 1150
Mulkchilik shakli	Aksiyadorlar	MSHT (OC) 144
Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili	A.TEMUR SHOX KO'CHASI, 24-UY	MIBT (COATO) 1726255
Yuridik shaxs kodi		KTUT (OKHO) 17820078
Asosiy faoliyat turi	Elektr va radio aloqasi	XXTUT (OKOIX) 52300
Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami		STIR (MHH) 203368731

Qo'shimcha ma'lumotlar:

AVVAL, ADLIYA VAZIRLIGIDA 2009 YIL 10 AVGUSTDA QI

1317-SOKLI REESTR RAQAMI BILAN RO'YHATGA OLINGAN

Vakillik organ boshlig'i

V.K.Mamedov





YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RSIDA
GUVOHNOMA

Reestr № 10-000240

№ 004060

2014 yil "30" oktabr

Mazkur guvohnoma "O'ZBEKTELEKOM" Aksiyadorlik kompaniyasi

Tushkily-huquqiy shaxs:	Aksiyadorlik jamiyati	yuridik shaxsga berildi TISHT (OIIΦ)	1150
Mulkchilik shakli:	Aksiyadorlar	MSHT (ΦC)	144
Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:	A.TEMUR SHOX KO'CHASI, 24-UY	MHBT (COATO)	1725255
Yuridik shaxs kodi:		KTUT (OKIIO)	17620075
Asosiy faoliyat turi:	Elektr va radio aloqasi	XXTUT (OKOHN)	52300
Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:		STIR (IHII)	203366731

Qo'shimcha ma'lumotlar: AVVAL, ADLIYA VAZIRLIGIDA 2009 YIL 10 AVGUSTDA
1317-SONLI REESTR RAQAMI BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Vakolatli organ boshlig'i

V.X.Mamedov





YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyiha turi:

Shartnoma № 483

2.Loyihaning nomi:

Xizmat qo'rsatish Shartnomasi (telekommunikatsiya)

3.Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

Muzrabot tuman Xalq ta'lim , 2022 yil "20" yanvar;

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq;

Muzrabod tuman yuridik
xizmat ko'rsatish markaz
bosh yuristkonsulti



A.A.Xamrayev

2022 yil «20» yanvar



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyiha turi:

Shartnoma № 483

2.Loyihaning nomi:

Xizmat qo'rsatish Shartnomasi (telekommunikatsiya)

3.Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

Muzrabot tuman Xalq ta'lim , 2022 yil «20» yanvar;

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq;

Muzrabod tuman yuridik
xizmat ko'rsatish markaz
bosh yuristkonsulti



A.A.Xamrayev

2022 yil «20» yanvar